

Объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда жорий таъмирлашга доир Пудрат шартномаси

2022 й. «24» 6

2022-150-13-190-МТ-сон

Түрткүл тумани

Түрткүл туман Мактабгача таълим бўлими (кейинги ўринларда “Буюртмачи”) номидан устав асосида харакат қилувчи Р.Розумбетова, бир томондан, (кейинги ўринларда “Ижрочи”) номидан Устав асосида иш кўрувчи директор А.Авезимбетов, иккинчи томондан, “Boston To`rtko`l Qurilish” маъсулияти чекланган жамият куриш ва топшириш бўйича шартномани (кейинги ўринларда–шартнома) қуидагилар ҳақида туздилар.

1. АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

1.1. Мазкур шартномада қуидаги тушунчалар қўлланилади:

ижро хужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект курилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги ва айрим масъулияти конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги хамда, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари хамда курилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;

курилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Ижрочига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ бошқа талаблар билан белгилаб қўйилади;

вақтинчалик иншоотлар - “Ижрочи” томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

танлов баёни –мактабгача талим бўлими танлов комиссияси томонидан 2022 йил “21”июн куни ўтказилган ва расмийлаштирилган 104235-сонли электрон йиғилиш баённомаси;

2. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

2.1. Мазкур шартномага мувофиқ, объектни фойдаланишга тайёр ҳолда жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятларини олади, Буюртмачи Ижрочига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва келишишлган тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2.2. Шартнома доирасида Буюртмачи Ижрочига қуидаги ҳукуқларни беради:

кўп квартирали уйларни қуришда лойиҳа-смета хужжатлари асосида белгилangan қурилиш меъёрларга асосан қурилиш ишларини бажариш

2.3. Ижрочи бажарилган қурилиш ишлари бўйича зарур далолатномаларни ўз мутахассислари томонидан текширади ва қабул қиласди. Бунда, буюртмачига бажарилган ишлар экспертизадан ўтказилган лойиха-смета хужжатлари асосида хажм (майдон) ва сифат бўйича топширилади.

3. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3.1. Мазкур шартноманинг умумий суммаси: **129476318** (бир юз йигирма тўқиз миллион тўрут юз етмиш олти минг уч юз ўн саккиз) сўмни ташқил қиласди.

3.2. Мазкур шартнома бўйича Ижрочи томонидан бажарилган, танлов баёнига мувофиқ тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йифимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда қуидаги белгиланади:

Хизмат номи	Улчов бирлиги	Сони	Бахоси	суммаси
5-сон мактабгача таълим ташкилоти биносини жорий таъмирлаш	Хизмат кўrsatiш	1	129476318	129476318

3.3. Тарафлар белгилайдики:

3.4. Буюртмачига тегишли қисми бўйича ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуидаги ҳоллар бундан мустасно:

Курилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

Ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

3.5. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Ижрочи ўртасидаги шартномага қўшимча келишув билан расмийлаштирилади.

4. ИЖРОЧИННИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартнома бўйича Ижрочи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ кўrsatilган муддатда топшириш;

илювага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш, қуриклаш;

қурилиш майдони худудида вақтинчалик иншоотлар қуриш ҳамда қурилиш майдонидаги бино ва иншоотларни ўз хисобидан бошқа жойга қуриб бериш;

Буюртмачини Ижрочи томонидан қурилиш ишлари давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

мазкур шартнома бўйича обьектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

курилиш майдони қўриқланишини таъминлаш; мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.2. Ижрочи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда обьектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

4.3. Биноларни қурилиш ишлари битказилиб топширилгандан сўнг бир йил кафолат муддати Ижрочи зиммасига юклатилади.

4.4. Ижрочи норматив ҳуқуқий хужжатларга асосан обьектда лойиха олди хужжатлар (топосиёмъка, гиология хизматлари, экология харажатлари, маҳсус автохўжалик хизмати, лойиха смета хужжатларини тайёрлаш харажати, Давлат экспертиза хulosаси, ҳудудий қурилиш назорат инсексияси хизмати, муаллифлик назорати) билан боғлиқ хизматларини бажариш ҳамда тўловларни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.5. Ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура - қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Ижрочи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошقا функцияларга риоя этилишини назорат қилиш учун малакали ҳамда ваколатли мутахассис жалб этиш ва Ижроидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

5. БУЮРТМАЧИННИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага __ - иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини обьект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Ижроига бериш;

Ижроининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

Биринчи бадал пулини ходимларга хонадонлар ажратилгандан кейин тўлов қобилятидан келиб чиқиб банк орқали ёки нақт пул кўринишида Ижроига молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Ижроига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

6. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

6.1. Шартнома:

миллий валюта "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

кейинчалик ЭАЗ (эркин алмаштириладиган валюта)га конвертация қилган ҳолда миллий валютада "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - шартнома қонун хужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

6.2. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти қурилишга рухсатнома олинган кундан бошлаб **12 ойни** ташкил этади.

6.3. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

7. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

7.1. Буюртмачи Ижрочига шартнома суммасининг 30% миқдорида олдиндан тўловни амалга оширади. Таъмирлаш ишлари тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилинганидан кейин қолган 70% миқдоридаги тўловлар амалга оширилади.

7.2. Ижрочи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объект мулк ҳукуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши ҳавфи Ижрочининг зиммасида бўлади.

7.3. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Ижрочи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳукуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Ижрочи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

8. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

8.1. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини - техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Ижрочи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳукуқига эгадир.

8.3. Ижрочи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Ижрочи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

8.4. Ижрочи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг 6-бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.5. Ижрочи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

8.6. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Ижрочининг вазифаси ҳисобланади.

8.7. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни жойлаштириш учун Ижрочига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

8.8. Ижрочи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Ижрочи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

8.9. Ижрочи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини

сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугалланғандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

8.10. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вактингча улашни ва улаш нуқталарида янгидан курилган коммуникацияларни улашни Ижрочи амалга оширади.

8.11. Курилиш майдонида амалга ошириладиган барча ишларнинг лойиҳа-смета хужжатлари ишлаб чиқиши ва экспертиза хulosасини олиш билан боғлиқ харажатлар Ижрочи томонидан молиялаштириш амалга оширилади.

8.12. Ижрочи ўзи томонидан курилишда қўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, техник регламентларга ёки стандартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

8.13. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Ижрочи Буюртмачини ва "Давархитекткурилишназорат" инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

8.14. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёrlиги Буюртмачи ва Ижрочи томонидан масъул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг "Давархитекткурилишназорат" инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

8.15. Ижрочи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

8.16. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу хақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Ижрочи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Ижрочи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш хужжатларидан майда четга чиқишиларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

8.17. Агар Буюртмачи Ижрочи ва (ёки) унинг субпурдатчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Ижрочи ўз кучлари билан ва курилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Ижрочи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Ижрочи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлайди.

8.18. Ижрочи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан курилиш ахлатини белгиланган жойга чиқариб ташлайди.

8.19. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Ижрочи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Ижрочининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вактида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ

тўхтаб қолишилар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Ижрочининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қиласди.

Ижрочи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

9. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

9.1. Ижрочи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган обьект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулкларни зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

9.2. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар обьект қабул қилиб олинганидан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

10. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

10.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиг бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиг бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

10.2. Агар енгиг бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Ижрочи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиласди.

10.3. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

11. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

11.1. Қурилиши тугалланган обьектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган обьектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

11.2. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Ижрочининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 15 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

11.3. Ижрочи қурилиши тугалланган обьектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг 5-бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусҳада ижро хужжатларини(давлат хайати қабул далолатномаси, обьектни фойдаланишга топшириш тугрисида хоким карори) беради. Ижрочи Буюртмачига ушбу хужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

11.4. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

12. КАФОЛАТЛАР

12.1. Ижрочи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лоийҳа хужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа хужжатларida кўрсатилган сертификацияларга, техник регламентлар ёки стандартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилиши;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

12.2. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолатли муддати камида 12 ой этиб белгиланади.

12.3. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имкёнини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади, нуқсонлар Ижрочи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Ижрочи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Ижрочи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва тугалланмаган ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичida бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг 7-бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Ижрочидан ушлаб қолиш ҳукуқига эга.

12.4. Ижрочи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш қурилиш ишларини назорат қилишда ваколатли органлар томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича туманлараро иқтисодий судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

13. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

13.1. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Ижрочи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Ижрочининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Ижрочи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Ижрочи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳукуқига эга.

13.2. Ижрочи:

ишларнинг бажарилиши Ижрочига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳукуқига эга.

13.3. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Ижрочининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Ижрочига тўлайди.

13.4. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

13.5. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган заарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

13.6. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

14. ТАРАФЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

14.1. Тарафлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда айбдор тараф:

иккинчи томонга етказилган заарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳукуқий базаси тўғрисида"ти Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

14.2. Бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун Буюртмачи Ижрочига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

14.3. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равища бош тортганлиги учун Буюртмачи Ижрочига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

14.4. Ижрочи обьектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси обьект бўйича шартноманинг жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Ижрочи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Ижрочини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод қилмайди.

14.5. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи "Давархитекткурилишназорат" инспекциясининг хулосаси асосида обьектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши шунингдек Ижроидан сифати зарур

даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириш ҳукуқига эга.

14.6. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

14.7. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

15. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

15.1. Мазкур шартномани тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасида келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар тарафлар томонидан ўзаро музокаралар орқали ҳал этилади. Музокара орқали ижобий натижага эришилмаган ҳолда, низолар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида белгиланган тартибда суд органлари орқали ҳал этилади.

16. КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАР

16.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар коррупсияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини та'минлайди; яъни томонлар бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилиш, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини кафолатлайди.

16.2. Томонлар коррупсияга қарши қоидалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзага келганда дарҳол ёзма равишда (електрон почта орқали) ёки ишонч телефони орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма изоҳ талаб қилиш ҳукуқига эга ва мурожаатни олган томон 10 (үн) иш куни мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

16.3. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупсион хавф-хатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупсион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳукуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин

17. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

17.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, шартномага тегишли бўлган тарафлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, тарафларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

17.2. Ижрочи курилиш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпурдатчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳукуқига эга бўлмайди.

17.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклида расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

17.4. Буюртмачи билан Ижрочи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равища тасдиқлаши керак.

17.5. Агар Ижрочи шартнома бўйича ишлар яқунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюргачи Ижрочи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечикиришга ҳақлидир.

17.6. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

17.7. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

18. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

БУЮРГАЧИ:

Ташкилот номи: Тўрткўл туман МТБ
Манзили: Тўрткуль ўз. Мустакиллик №8
Тел: 532-51-54
Л/С: 10022860352337091100251022
ИНН: 207267836
Банк: Марказий анк Тошкент
Бош бошкармаси ККМ
МФО: 00014 ОКОНХ: 84130
Газначилик бўлинмаси номи:
Молия Вазирлиги ягона Газна хисоб вараги
Х/р: 23402000300100001010

ИЖРОЧИ:

”Boston To’rtko’l Qurilish” МЧЖ
Манзил : Бўстон райони
Банк: Қишлоқ қурилиш банк Турткул
фил.
Х/р : 2020 8000 2050 0503 0001
МФО : 00953
ИНН : 302 416 476
Тел : 97-474-32-64

Директор: _____

Р.Розумбетова



Директор: А.Аvezimbetov



**YURIDIK AHAMIYATGA YEGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

1.Loyihaning turi: Shartnoma

2.Loyihaning nomi: Ob'ektlarni foydalanishga tayyor holda joriy ta'mirlashga doir Pudrat shartnomasi.

3.Loyihaning mazmuni: Mazkur loyihada To'rtko'l tuman Maktabgacha ta'lim bo`limi tomonidan "Boston To'rtko'l Qurilish" ma'suliyati cheklangan jamiyati bilan **129.476.318 so`mlik** ob'ektlarni foydalanishga tayyor holda joriy ta'mirlash ishlarini bajarish to`g'risida shartnoma tuzish belgilangan

4.Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

To'rtko'l tuman Maktabgacha ta'lim bo`limi tomonidan 2022 yil 23 iyun kuni ishlab chiqilgan va 2022-yil 23 iyun kuni dasturga kiritilgan.

XULOSA:

Ushbu shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasi joriy qonunchiligi, xususan, O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksihihg 354 moddasi va O'zbekiston Respublikasi 1998 yil 29-avgustdagи «Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to'grisida»gi O'RQ-670-1-sonli qonunining 10-13, 25, 26, 32 moddalariga muvofiq O'zbekiston Respublikasi 2021 yil 22 apreldagi "Davlat xaridlari to'grisida»gi O'RQ-684-sonli qonuni hamda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 14 sentyabrdagi "Shartnomaviy munosabatlarni tubdan takomillashtirish hora-tadbirlari to'grisida»gi 6313-sonli Farmoni talablariga mos ishlab chiqilgan va uni **qabul qilish maqsadga muvofiq**.

**To'rtko'l tuman Adliya bo`limi
Yuridik xizmat ko'rsatish
markazi bosh yuriskonsulti:**



N.Abduraxmanova
2022 yil 23 iyun

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 104235 на приобретение Текущий ремонт
ДООН №5**

Способ проведения электронный

Дата 21.06.2022

Время рассмотрения 20.06.2022 16:25

Конкурсная комиссия Турткул тумани Мактабгача таълими булими (МБ), (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	KURBANBAYEV FARRUXBEK MAXMUDJON O'G'LI	курилиш булим бошлиги	харид комиссияси
Секретарь комиссии	MATKARIMOV JAMOLIDDIN MAMBET O'G'LI	давлат харидлари ва шартномалар буйича мутахасист	Турткул МТБ
Член комиссии	JUMABAYEVA GULMIRA DAVLATBAYEVNA	комунал инспектор	харид комиссияси
Член комиссии	KURBANOVA GULBAXAR ALIMBAYEVNA	Товар моддий захиралари хисоби буйича гурух бошлиги	харид комиссияси
Член комиссии	YEGAMBERDIYEV KADAMBAY SATIMBAYEVICH	иктисодчи	харид комиссияси
Член комиссии	ATANIYAZOV UMIDJON ABDULLA O'G'LI	Бино иншоотларни техник холатини назорат килиш инспектори	харид комиссияси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 21.06.2022 года № лота 104235.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 100.00 / Весовой коэф. ценовой части: .00)

Мин. балл: 70

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту нежилых зданий
Подробное описание	Узбекистон Республикасининг 2021 йил 22-апрельдаги "Узбекистон Республикаси давлат харидлари түгрисида"ги 684-сон Конуни ва Узбекистон Республикаси Вазирлар Мажмасининг 2022 йил 20-май кунги "Давлат харидларни амалга ошириш билан бөлгик тартиб-таомилларни ташкил этиш ва утказиш тартиби түгрисидаги низомини тасдиқлаш хакида"ги 276-сон Карори
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	129 476 318.00
Стартовая сумма	129 476 318.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Ушбу хизмат билан бөлгик ходимлар сони 40 кишидан кам бўлмаслиги лозим

Тип: Текстовое значение

Описание: меҳнат бўлими шахсий кабинетидан штрих қдли маълумоти ёки меҳнат дафтарчаси.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
BO'STON-TO'RTKO'LQURILISH MCHJ	30	30	30	Экспертная		
REAL MONTAJ MCHJ	30	20	20	Экспертная		

Критерий №2 Рахбар курилиш соҳаси мутахассиси

Тип: Текстовое значение

Описание: Курилиш буйича олий маълумотли бўлиши лозим

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
BO'STON-TO'RTKO'LQURILISH MCHJ	20	20	20	Экспертная		
REAL MONTAJ MCHJ	20	20	20	Экспертная		

Критерий №3 Ушбу хизмат билан боғлик ходимларнинг камидаги 10 та олий маълумотли ходим.

Тип: Текстовое значение

Описание: Диплом нусхаси.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
BO'STON-TO'RTKO'LQURILISH MCHJ	20	20	20	Экспертная		
REAL MONTAJ MCHJ	20	20	20	Экспертная		

Критерий №4 Охирги 1 йил мобойнида камидаги 10 та бажарилган ишлар тугрисида маълумот.

Тип: Текстовое значение

Описание: Охирги уч йил мобойнида бажарилган ишлар тугрисида ф-2 ёки ф-3.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
BO'STON-TO'RTKO'LQURILISH MCHJ	30	30	30	Экспертная		
REAL MONTAJ MCHJ	30	20	25	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
BO'STON-TO'RTKO'LQURILISH MCHJ	129 476 318.00	129 476 318.00	14.06.2022 11:29:08	.00
REAL MONTAJ MCHJ	129 476 318.00	129 476 318.00	17.06.2022 16:29:22	.00

Заказчик вправе применить преференцию в отношении отечественных производителей

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
BO'STON-TO'RTKO'LQURILISH MCHJ	100	0	100
REAL MONTAJ MCHJ	85	0	85

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 104235 от 21.06.2022 года на приобретение Текущий ремонт ДООН№5 определила победителем:

BO'STON-TO'RTKO'LQURILISH MCHJ
302416476

и резервный исполнитель: REAL MONTAJ MCHJ (303062941)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Член комиссии	KURBANOVA GULBAXAR ALIMBAYEVNA	Согласен	
Председатель комиссии	KURBANBAYEV FARRUXBEK MAXMUDJON O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	YEGAMBERDIYEV KADAMBAY SATIMBAYEVICH	Согласен	
Член комиссии	JUMABAYEVA GULMIRA DAVLATBAYEVNA	Согласен	
Член комиссии	ATANIYAZOV UMIDJON ABDULLA O'G'LI	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Түрткүл туман мактабгача
таълим бўлим курилиш бўлим
бошлиғи  Ф.Курбанбаев
«24 » Июнь 2022 йил

**Тўрткўл тумани мактабгача таълим бўлимига карашли 5-сон ДМТТ
биносини жорий таъмирлаш учун энг яхши таклифларни танлаб олиш
бўйича ўтказилган**

104235/1 сонли мажлис баённомаси

Катнашувчилар:

Комиссия раиси:

Ф.Курбанбоев-



Тўрткўл туман МТБда курилиш бўлими
бошлиғи, комиссия раиси
Тўрткўл туман МТБда комунал соҳа
инспектори, комиссия аъзоси

Комиссия аъзолари:

Г.Жумабоева-




Г.Курбанова



Тўрткўл туман МТБда товар моддий
захиралари хисобчиси, комиссия аъзоси

К.Егамбердиев



Тўрткўл туман МТБда иктисадчи ,
комиссия аъзоси

У.Атаниязов



Тўрткўл туман МТБда курилиш бўлими
муҳадисти, комиссия аъзоси

Кун тартиби:

Тўрткўл тумани мактабгача таълим бўлими курилиш бўлими бошлиғи энг яхши
таклифларни танлаб олиш комиссияси раиси Ф.Курбанбоев мажлисда танлов комиссиясининг
5 аъзосидан 5 киши қатнашаётганлигини айтиб ўтиб танлов комиссияси мажлисини очик деб
эълон килди.

Ушбу танлов бўйича 2021 йил 22 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг 684-сонли
“Давлат харидлари тўғрисида”ги Конунинининг 58-моддасига мувофик энг яхши таклифларни
танлаб олиш танлов ўтказилиши хакидаги элон танлов катнашувчиларининг таклифларини
кабул килиш муддати 5 кун олдин бюджет ташкилоти томонидан маҳсус ахборот порталига
(etender.uzex.uz) 2022 йил 13 июн куни №22110012104235 лот бўйича ва 2022 йил 21 июн
кунги №104235 сонли баённома бўйича хеч кандай этроз келиб тушмади.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида” Конун талабларига ва
юқоридаги кўрсатилаган маълумотларни хисобга олиб танлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ :

1. Тўрткўл тумани 5-ДМТТ биносини жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш
бўйича ўтказилган танлов хужжатларидан хамда танолов шартлари бўйча энг яхши
таклифларни таклиф қилган ва танлов ғолиби деб “БЎСТОН-ТЎРТКУЛКУРИЛИШ”МЧЖ
129 476 318 сўм (КҚС билан бирга) шартнома тузилсин.

2. Танлов ғолиби танлов шартлари асосида шартнома тузишдан бош торған тағдирда шартнома тузиш хукуки кейинги қатнашувчи (резерв) килиб “РЭАЛ МОНТАЖ”МЧЖ белгилансин. Бунда Голиб катнашувчи таклиф қылган суммасидан ошмаган миқдорда шартнома тузиш мүмкінлиги белгилаб қўйилсин.

3. Конун талабларига мувофиқ танлов қанашувчиларнинг таклифларни кўриб чикиш хамда бахолаш муддати таклифларни бериш тугашидан 10 кун муддатдан ошиб кетиши мүкин эмаслиги маълумот учун қабул қилинсин.

4. Ташкилотнинг бош хисобчиси З.Бабаджанов танлов якуни бўйича ғолиб билан шартнома хужжатларини таёrlаш хамда шартнома тузилгандан кейин 3 иш куни ичидаги тегишли ахборот парталига (etender.uzex.uz) жойлаштириш топширилсин.

5. Танлов комиссияси котиби Ж.Маткаримов ушбу танловга тегишли барча хужжатларни белгиланган тартибда сакланиши таъминлансин.

Комиссия раиси:

Ф.Курбанбоев-

Тўрткўл туман МТБда курилиш бўлим

бошлиғи, комиссия раиси

Г.Жумабоева-

Тўрткўл туман МТБда комунал соҳа

инспектори, комиссия аъзоси

Г.Курбанова

Тўрткўл туман МТБда товар моддий

захиралари хисобчиси, комиссия аъзоси

К.Егамбердиев

Тўрткўл туман МТБда иктисадчи ,

комиссия аъзоси

У.Атаниязов

Тўрткўл туман МТБда курилиш бўлим

муҳадисти, комиссия аъзоси